Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 23 ноябрь, чоршанба • № 93 (11.792) • Эркин нархда сотилади

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 ноябрь куни Оқсаройда Немис иқтисодиётининг шарқий қўмитаси (ГФР) бошқаруви раиси, "Даймлер Крайслер АГ" концерни бошқарувининг маслаҳатчиси Клаус Мангольдни қабул қилди.

– Сизни нафақат Немис иқтисодиётининг шарқий қўмитаси бошқаруви раиси, балки Ўзбекистон-Германия муносабатларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган мутахассис сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, – деди Ислом Каримов. – Ўзаро иқтисодий алоқаларни тараққий эттиришда сиз раҳбарлик қилаётган қўмитанинг ҳам салмоқли ўрни бор.

1952 йилда ташкил этилган мазкур қўмита Германиянинг етакчи иқтисодий уюшмаларини бирлаштиради. Бугунги кунда унинг таркибида бир минг беш юздан зиёд компания ва корхона бор. Қўмита Германиянинг Марказий Осиё, Россия, Кавказ, Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Болтиқбўйи давлатлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашувчи органдир.

Юртимизда К.Мангольд раҳбарлигидаги германиялик ишбилармонларнинг катта делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Ташриф асносида Ўзбекистон билан Германия ўртасида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, саноат инфратузилмаси, нефть-газ, электроника ва ахборот технологиялари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўплаб соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришнинг янги имкониятларини кўриб чиқиш режалаштирилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг кўлами тобора кенгаймоқда. Жорий йилнинг мартида Боннда молиявий-техникавий ҳамкорлик масалалари бўйича ҳукуматлараро музокаралар бўлиб ўтди. Апрель ойида Тошкентда Савдо ва сармоя бўйича Ўзбекистон-Германия ишчи гуруҳининг йиғилиши ўтказилди. Октябрь ойида эса Дрезденда "Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари" ташкил этилди.

2004 йилда давлатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 320 миллион АҚШ долларидан ошган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 240 миллион долларга тенглашди.

Юртимизда Германия ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 141 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. ГФРнинг 54 фирма ва компанияси, жумладан, "Сименс", "Алкатель", "Даймлер Крайслер АГ", "Люфтганза" Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган. Мамлакатимизда Германия компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширилган, ижро этилаётган ва режалаштирилаётган қўшма лойиҳалар сони юздан ошади. Уларнинг молиявий қиймати салкам 1,4 миллиард АҚШ долларига тенг.

К.Мангольд самимий қабул учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳадаги Ўзбекистон-Германия ҳамкорлиги катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидлади.

Учрашувда мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва рағбатлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА.

Қишлоқ мулкдорлари

СЎЗИ БИЛАН ИШИ БИР

Тошкент туманидаги «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги нафақат вилоятимизда, балки республикада ҳам маълум ва машҳур. Хўжалик цехларида ишлаб чиқарилаётган 50 турдан ортиқ гўшт маҳсулотлари ҳалол ва сифатлилиги, харидоргирлиги билан довруқ қозонган. Фермер Мухторхўжа Тўхтаниёзов бундай шуҳратга бетиним меҳнати, ташаббускорлиги, энг муҳими, давлатимиз томонидан мулкдорлар учун яратиб берилаётган беназир имкониятлардан оқилона фойдалана олиши билан етишди, десак хато бўлмайди.

Фермер хўжалиги ташкил этилганда бор-йўғи уч хил колбаса маҳсулотлари тайёрланар, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам шунга яраша эди. 10 нафар ишчи-хизматчилар билан иш бошлаган хўжалик йилма-йил ўз имкониятларини кенгайтириб борди. 2002 йилнинг октябрь ойида «Пахтабанк»дан 133 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиниб, Италиянинг «Верипакс» компанияси билан шартнома имзоланди. Унга кўра, фермер замонавий технологияларга асосланган, юқори қувватга эга бўлган гўштни қайта ишловчи линия келтириб, ишга туширди.

— Айни вақтда 60 дан ортиқ маҳаллий аҳоли вакиллари иш билан таъминланди, — дейди фермер, — маҳсулотларимиз тури кўпайди, сифати ошди. Мол ва парранда гўштидан тайёрланадиган колбаса, сосиска ҳамда дудламаларимизга ички бозорда талаб юқори бўлмоқда. Маҳсулот етказиб бериш бўйича қўшни минтақалар, хусусан, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё каби вилоятлардаги тадбиркорлар билан ҳам шартнома тузганмиз. Ҳозирги кунда ўз маҳсулотларимиз билан савдо қилувчи 3 та дўконимиз ҳам ишлаб турибди.

Дарҳақиқат, давр талабига мос фаолият юритаётган хўжалик жадал ривожланмоқда. Унинг йиллик ялпи даромади 1 миллиард сўмдан ортиқлиги, хўжаликнинг барқарор иқтисодий мавқега эришиб улгурганидан далолатдир. Банкдан олинган қарзлар ҳам ўз вақтида тўланди. Ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошлари шартнома асосида, вақтида тўлаб борилмоқда. Улар учун цехларда бепул тушлик ҳамда махсус ишчи кийим-бошлар таъминоти йўлга қўйилган.

Кейинги йилларда хўжаликда хом ашё негизини мустаҳкамлаш йўлида ҳам муайян ютуқларга эришилаётир. Хўжалик қарамоғида 150 та қорамол, 2 мингтадан зиёд парранда боқиляпти. 26 гектар ерда деҳқончилик қилинмоқда.

Яна бир янгилик. Хўжалик мустақиллигимизнинг 14 йиллик шодиёналарини муносиб ютуқлар билан қарши олди. Яъни ишлаб чиқариш тармоқлари кенгайтирилиб, яна 10 киши иш билан таъминланди. Янги бунёд этилган макарон цехи Россиядан келтирилган линия асосида ишламоқда. Кунига 10 хилдан ортиқ, жами 1,5 тонна сифатли макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона маҳсулотларига ҳам талаб ортиб бормоқда.

Фермер хўжалигида тайёрланаётган маҳсулотлар сифати, ҳатто, хорижда ҳам эътироф этилган. «Тўхтаниёз ота» тамғаси остидаги гўшт маҳсулотлари халқаро кўргазмаларда муттасил намойиш этилиб, юқори баҳо олиб келмоқда. Чунончи, 2003 йилда халқаро сифат конвенциясининг олтин, 2004 йилда эса платина нишонини қўлга киритишга муваффақ бўлингани фикримиз далилидир. Тошкентда ўтказилган «Uz FOOD» миллий маҳсулотлар кўргазмасида ҳам хорижлик ишбилармон ва экспертлар фермер хўжалигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга катта қизиқиш билдирдилар.

Шунингдек, фермер М.Тўхтаниёзов республикамиз ишбилармон ва тадбиркорларининг «Ташаббус» танловида ҳам бир неча йиллардан бери фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қозониб келмоқда. Хусусан, ана шу танлов натижаларига кўра, энг яхши фермер номинацияси бўйича ўтган йили учинчи, бу йил эса иккинчи поғонага лойиқ топилди. Фермер бу эътироф ва эътибордан руҳланиб, янги режалар устида изланмоқда.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *ишлаб чиқариш жараёнидан лавҳалар.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ИШБИЛАРМОНЛИК КЕНГАШЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон-Россия ва Россия-Ўзбекистон ишбилармонлик кенгашларининг қўшма мажлиси бўлди. Унда икки мамлакат савдо-саноат доиралари вакиллари иштирок этди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад мамлакатларимиз ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга оид масалаларни муҳокама этишдир.

Россия Ўзбекистоннинг йирик ва муҳим иқтисодий ҳамкорларидан. Бугунги кунда икки давлат ўртасида савдо-сотиқ, энергетика, телекоммуникация, банкмолия ва суғурта каби соҳалардаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Ўзбекистонда мазкур мамлакат ишбилармонлари билан биргаликда очилган тўрт юздан зиёд, Россияда эса юртимиз сармояси иштирокида ташкил этилган 267 қўшма корхона фаолият кўрсатаётир.

2004 йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 42,9 фоиз ўсиб, 1 миллиард 642 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Мутахассислар 2005 йилда ушбу кўрсаткич 2 миллиардга етиши мумкинлигини таъкидламоқда.

Анжуманда Ўзбекистон-Россия ишбилармонлик кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари Набижон Қосимов ҳамда Россия-Ўзбекистон ишбилармонлик кенгаши раиси, Россия Нефть-газ саноатчилари уюшмаси кенгаши раиси Юрий Шафраник мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами тобора кенгайиб бораётганини таъкидладилар. Тошкент учрашуви бу алоқаларни янада юқори поғонага кўтаришга ҳисса қўшишига ишонч билдирилди.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА мухбири.

«Обуна – 2006»

ЎЗИМИЗ НАМУНА БЎЛАЙЛИК

Мен 30 йилдан буён почта соҳасида ишлаётганлигим боис республикамизда чоп этилаётган нашрларни кузатиб боришга ҳаракат қиламан.

Аммо, газета ва журналлар шу даражада кўпки, ҳатто, ҳаммасининг номларини эслаб қолиш мушкул. Улар орасида вилоятимиз кўзгуси бўлмиш «Тошкент ҳақиқати»нинг ўзига яраша салмоқли ўрни борлигини айтиб ўтмоқчиман. Газета саҳифаларида чоп этилаётган қисқа, лўнда янгиликлар, ижтимоий ҳаётга оид мақолалар, айниқса, турмуш чорраҳаларида учраб турадиган воқеа-ҳодисалар ҳақида бадиий-публицистик руҳда ҳикоя қилиб борилиши кўпчилик қатори мени ҳам жуда қизиқтиради.

Ҳозир алоқа тармоғимизда 19 та алоқа бўлими бўлиб, уларда жами 107 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Туманимиз аҳолисига, обуначига газета ва журналларни ўз вақтида етказиб беришдан ташқари, обуна мавсумини ташкил этишимиз, обуначилар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришимиз лозим бўлади. Ушбу жараёнда ўзимиз биринчи галда намуна бўлишимиз зарурлигини ҳисобга олиб, алоқа тармоғимиз 30 дона «Тошкент ҳақиқати» газетасига обуна бўлишга қарор қилдик.

Муҳаббат РЎЗИТОЕВА,
Ўртачирчиқ тумани почта-алоқа тармоғи бошлиғи.

Бу ҳақда сессияда гапирилди

ФЕРМЕР БЎЛИШ ОСОНМАС

Бугунги кунда вилоятимиз қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш долзарб тус олгани, бу масала алоҳида эътибор, алоҳида муносабат талаб қилаётгани сир эмас. Айниқса, фермерлик ҳаракатини жадаллаштириш, иқтисодий ночор, истиқболсиз ширкат хўжаликларини тезроқ тугатиб, улар негизида мустақил фермер хўжаликлари ташкил этиш бугуннинг энг муҳим устувор вазифасига айланган.

Зеро, давлатимиз раҳбарининг Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида фермерларнинг ялпи ҳосилни етиштиришдаги улуши республика миқёсида пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам ўртача 70 фоизни ташкил этаётган бир вақтда Тошкент вилоятида бу кўрсаткичлар пахтачиликда 43 фоиз, ғаллачиликда эса, 40 фоиз даражасида қолаётганлигини куюниб таъкидлаганлиги бежиз эмас. Бундай оқсашнинг сабаблари ҳақида гапирадиган бўлсак, улар фермерлик ҳаракатига муносабатда, белгиланган режаларни амалга оширишдаги сусткашликда, фермерларга ишончсизликда яққол кўзга ташланаётир.

Тўғри, Ўзбекистон Президентининг 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги фармони эълон қилиниб, уни амалга ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилингач, вилоятда муайян ишлар амалга оширилди. Чунончи, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантиришга киришилди. Уларга хизмат кўрсатиш, зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмаларини ривожлантириш мақсадида 45 та муқобил МТП, 35 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 36 та ёқилғи-мойлаш ва 26 та минерал ўғит шоҳобчалари, 36 та мини-банк ташкил этилди.

Бу ишлар, албатта, ўз самарасини бераяпти. Бироқ, самарадорлиги паст ширкатлар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиш масаласига бир қанча туманларда етарли эътибор берилмаётир. Баъзида комиссиялар фермер хўжаликларини ташкил этиш масаласига бирёқлама, маҳаллий ҳокимликлар эса, расмиятчилик билан ёндошмоқдалар. Вилоят қишлоқ хўжалик идоралари, туманлар ҳокимликлари фаолиятида фермерлик ҳаракатини йўлга қўйиш учун чинакам куйди-пишдилик, ғамхўрлик, ҳақиқий ташкилотчилик етишмаётир.

Бугун вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 7980 та фермер хўжаликларига 139 минг гектар ер бириктирилган. Бу вилоятдаги экин майдонларининг 35,6 фоизини ташкил этиши ҳисобга олинса, навбатдан ташқари сессияда алоҳида эътирозга сабаб бўлган ҳолат — ялпи пахта ва ғалла ҳосилларида фермерлар улуши нега камлиги ойдинлашади. Ахир, дастур бажарилмаса, истиқболсиз ширкатлар тугатилиши суст борса, асосий ер майдонлари ҳамон самарасиз фаолият кўрсатаётган ширкатларнинг тасарруфида қолса, ёки ошнаоғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик билан «яқинлар»га тарқатилса, ялпи хирмонларда фермерлар улушини қандай қилиб кескин кўпайтириш мумкин бўлсин?!

Маълумки, фермер хўжаликлари билан тузиладиган шартномада давлат эҳтиёжи учун етиштириладиган маҳсулот ҳажми ва сифатидан ташқари экин майдонининг гектари ва ҳосилдорлиги ҳам аниқ кўрсатилади. Лекин мутасадди ташкилотлар томонидан назорат олиб боришда масъулиятсизлик, эътиборсизлик туфайли шартномада кўрсатилган экинларни экмаслик ҳоллари ҳам учраб туради.

Шартномавий муносабатларга бундай ёндошув айрим интизомсиз фермерларга турли суиистеъмолликлар учун кенг йўл очиб беради. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Прокуратура идоралари олиб борган таҳлиллар, чунончи, Пскент туманидаги бир қатор салбий ҳолатларни очиб ташлади. Бу тумандаги мутасаддилар пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг юзлаб гектар экин майдонларини сабзавот, қовун-тарвуз экиш учун тақсимлаб юборишган.

Бугина эмас. Тумандаги 110 фермер хўжалигининг ҳар бирида ўртача икки гектардан экин майдони ғалла ёки пахта экиш тақсимотига умуман киритилмаган, бу эса ана шу экин майдонлари хомталаш килинишига йўл очиб берган.

Иккинчи томондан фермер хўжаликларининг сабзавот маҳсулотлари ва чорва озуқаси етиштиришга мўлжалланган 1595 гектар экин майдонларида пахта етиштирилиши режалаштирилган ва фермерлар тайёрлов идоралари билан контрактация шартномаси тузишга мажбур қилинган.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни бундай «режалаштириш» бошланган ишлардан фермерларнинг кўнглини совутиб, ўзибўларчилик, лоқайдликни кучайтираётир. Гўшт, сут ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришни бир маромда кўпайтириб бориш йўлидаги бундай сунъий тўғаноқларнинг оқибати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Энг ташвишланарлиси — фермер хўжаликларида қорамолларнинг бош сони йилдан-йилга камайиб кетаётир. Шуни назарда тутиб, Ўзбекистон Президенти Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг сессиясида вилоят хўжаликларида қорамолларнинг бош сони бир йилда 2500 бошга камайиб кетганлигини таъкидлаганида бу муҳим соҳага муносабатдаги шу ва бошқа нуқсонларни назарда тутган, албатта. Чунончи, чорва моллари сотиб олиш учун фермерларга микрокредитлар ажратишдаги сансалорлик, фермер хўжаликларида етиштирилган гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйишни ташкил этишдаги ўзибўларчилик ҳам ҳамон барҳам топмаётир. Бу эса, гоҳи туманларда бундай маҳсулотларни қайта ишловчи микрофирмалар фаолиятини ҳам депсинтириб қўймоқда.

Очиғини айтганда, фермер бўлиш осонмас. Лекин ўз зиммасига шундай масъулиятни олган минглаб кишиларнинг саъй-ҳаракатлари шуни тасдиқламоқдаки, мамлакатнинг бош йўли — фермерлик ҳаракати катта истиқболга эга, у қишлоқ хўжалигини равнақ топтиришнинг асосига айланди. Оҳангарон туманидаги «Авазхон», Бўка туманидаги «Учқун», Паркент туманидаги «Ҳожи ота» ва «Бахт», Пскент туманидаги «Лазиз» ва «Эркин» сингари фермер хўжаликларининг барқарор ривожланиб бораётганлиги буни тасдиқламоқда. Фермерлар орасидан турли партияларнинг фидойи аъзолари, сиёсатдонлар, давлат бошқаруви идораларининг етакчилари етишиб чиқмоқда. Демак, фермерларнинг қишлоқда етакчи табақа сифатидаги шаклланиш жараёни ўз нишоналарини кўрсатмоқда. Айни шу жиҳат вилоятимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни барқарор тус олдириш имкониятлари ниҳоятда кенглигини тасдиқлайди, шу юрт, шу азиз Ватанни равнақ топтиришга муносиб ҳисса қўшишга бўлган рағбатни кучайтиради.

Жўрабек МУРОДОВ.

ОБЪЕКТ БАҲОЛАНДИ

Вилоятда олиб борилаётган ҳар бир қурилиш ва таъмирлаш ишлари тендер танловлари асосида амалга оширилмоқда.

Куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги тендерда ҳам вилоят ҳудудидаги Фавқулодда вазиятлар вазирлигига қарашли объектларни капитал таъмирлаш бўйича қурувчи ташкилотлар орасидан энг саралари танлаб олинди. Хусусан, қутқарувчиларнинг Қибрай туманидаги машқ майдонини таъмирлашни масъулияти чекланган «ERTA» қурилиш ташкилоти амалга оширадиган бўлди. Бу ерда 2 ой мобайнида 139 миллион 556 минг сўмликдан зиёд таъмирлаш ишлари бажарилади.

Бўстонлиқ тумани Бақачўл қўрғони ва Чимён-Чорвоқ ҳудудида жойлашган қутқарув станцияси бўйича ўтган тендерда объектни таъмирлаш учун кетадиган харажатларда тафовут борлиги учун қайта баҳолаш комиссиясига тақдим этилди.

Рустам НЕЪМАТОВ.

2006 йил учун обуна давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – **205.**

СИАНДА ИҚТИСОДИЙ АНЖУМАН

Хитойнинг қадимий пойтахти – Сиань шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти котибияти, Хитой тараққиёт банки, ЭСКАТО ташаббуси ҳамда Боао Осиё форуми, БМТ Тараққиёт дастури, Сиань халқ ҳукумати кўмагида ташкил этилган биринчи Евроосиё иқтисодий форуми бўлиб ўтди.

Анжуман Хитой билан Марказий Осиё ва Европа мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоя, транспорт-коммуникация, ёқилғи-энергетика, сайёҳлик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш ва кучайтиришга кўмаклашишни кўзда тутган. Учрашувда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Украина, Монголия, Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Непал, Корея Республикаси, Хитой ва бошқа мамлакатлар, қатор халқаро ташкилотлар, молия-банк тузилмаларининг вакиллари иштирок этди. Унда савдо, сармоя, транспорт, энергетика ва сайёҳлик борасидаги хамкорлик билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Евроосиё иқтисодий форумини Умумхитой халқ вакиллари йиғини доимий қўмитасининг раиси У Банго очди. У мазкур минтақа табиий заҳираларга жуда бой эканлигини, улкан бозор салоҳиятига, турфа хил, бой маданиятга эга эканини таъкидлади.

Анжуманда ўзаро келишилган ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт суръатини тезлаштириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш минтақанинг барча мамлакатлари олдида турган асосий вазифа экани таъкидланди. Минтақа ва минтақаларараро миқёсдаги ҳамкорликни фаоллаштириш ва кенгайтиришда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ўрни ва аҳамияти алоҳида экани қайд этилди.

«Жаҳон» АА.

Яқинда қишлоғимизда фожиали воқеа юз берди. Шаҳардан кўчиб келган, ўзига тўқ бир ҳашаматли хонадонда газ босимининг ҳаддан зиёд ортиб кетиши сабабли ёнғин содир бўлди. Хайриятки, қўни-қўшни, маҳалладошлар кўмаги билан уй эгасининг анчагина мол-мулки сақлаб қолинди.

Шу жараёнда бир манзара эътиборимни тортди. Ҳамқишлоқлар янги маҳалладошлари учун жон қуйдиришар, ёнғинни тезроқ бартараф этиб, иложи борича кўпроқ нарсани сақлаб қолишга ҳаракат қилишарди...

Шаҳарнинг кўп қаватли уйларидан кўчиб келган янги маҳалладошимизнинг оила аъзолари қишлоқни, маҳалладошни ўнчалик хушламай, турли гап-сўзларга сабаб бўлишганди. Бугун эса бошларига оғир мусибат тушганида ана шу қишлоқ, ана шу маҳалладошлар кунларига яради, оғирларини енгил қилди...

Бўлиб ўтган бу воқеа ҳақида ўйлар эканман маҳалла, унинг бир тан, бир жон аҳолиси жамиятнинг муҳим бўлаги эканлигига яна бир бор амин бўлдим.

ТАРБИЯ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Бу масканда жуда кўп ижтимоий жараёнлар туғилади, ривожланади, сайқаллашади. Улуғ қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар ҳам маҳаллада унинг самимий ва беғубор кишилари ўртасида сақланади, авлодларга етказилади. Меҳр-оқибат, туғилиб ўсган маконга муҳаббат, ватанпарварлик ва бошқа шу каби туйғулар аслида маҳаллада шаклланади.

Бугун мустақил юрт сифатида ўз йўлидан шаҳдам илдамлаётган мамлакатимизда маҳаллага, унинг фаолияти ва жамиятдаги қамровига катта эътибор берилмоқда. Йиллар ўтгани сари ўзини-ўзи бошқариш тизимининг тобора эркинлашиб, такомиллашиб бораётгани фикримизнинг далилидир.

Бугун маҳаллада юзага келган ҳар қандай муаммо ва чигал масала ҳам шу ерда шароитнинг ўзидан келиб чиқиб ҳал этилмоқда.

— Давр, илдам бораётган ислоҳот жараёнлари шуни тақозо этмоқда, — дейди Зангиота тумани Охунбобоев номли маҳалла оқсоқоли Абдулла Ўринбоев. — Бугун оқсоқолнинг уддабуронлиги, ташаббускорлиги, тадбиркорлиги аҳамиятлидир. Сизнинг ёки менинг маҳалламдаги муаммони четдан келиб ҳал қилиб беришмайди.

Яқинда маҳалламиздаги бир кўчани тезлик билан газлаштириш лозим бўлиб қолди. Ҳокимият ёки юқоридаги мутасадди ташкилотларга дод-фарёд қилиб чиқмадик. Аксинча, маҳалла имконияти, аҳоли даромадлари ҳамда атрофдаги хўжаликлар кўмагидан келиб чиқиб, муаммони ҳал этдик.

Бугун ташаббускорлик билан амалга оширилаётган бундай тадбирларни юртимиздаги барча маҳаллаларда кўриш мумкин. Маҳалла ва унинг жонкуяр кишилари ташаббуси билан ўзгача чирой касб этган янги гузарлар қурилмоқда, кичик корхоналар барпо этилмоқда, замонавий маиший хизмат кўрсатиш уйлари фаолият бошламоқда. Буларнинг барчасидан мақсад маҳалла аҳлининг ижтимоий ҳаётида янги бурилиш ясаш, яшаш учун етарли имкониятларни яратишдир. Энг асосийси бундай объектларда маҳалла ёшлари ишли бўлмоқдалар.

Яқинда Қибрай тумани Тузел қишлоғида янги қўшма корхона иш бошлади. Бугун ўша қишлоқнинг 70 нафар ёш йигит-қизлари матога гул босиш билан шуғулланишмоқда. Қишлоқ оқсоқоллари ва тегишли ташкилотлар ташаббуси билан бунёд этилган ушбу корхона ҳудудда ишсизлик муаммосининг бир мунча қисқаришига сабаб бўлди.

Ёшлар тарбияси, уларни ҳаётга тайёрлаш, оилаларда тинчлик ва аҳилликни сақлаш ҳам бугун маҳалланинг муқим вазифасига айланди. Маслаҳатчи лавозимининг жорий этилиши бу масалаларнинг бир мунча осон кўчишига сабаб бўлмоқда. Канвойи онахонлар ушбу лавозимга тайинланган бўлиб, маҳалланинг каттасидан то кичигигача уларни яхши таниши жуда қўл келмоқда.

— Ҳеч бўлмаганда, ёшингизни ҳурмат қилиб ҳам, қилаётган номақул ишларини такрорламайдилар, — дейди Ўртачирчиқ туманидаги онахон Ҳидоят ая. — Қолаверса, ҳаётий тажрибадан келиб чиқиб қилаётган панду насиҳатларимиз, жойларда олиб бораётган тарғибот ва ташвиқотларимиз анча наф бермоқда. Бугун маҳалламиздаги ёшлар ўртасида номақулчиликни кўрмайсиз, нотинч оилалар ҳам ўз йўлларини топиб кетмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда маҳалла аҳлининг бошини қовуштира олиш муаммоларнинг енгил ечим топишига олиб келмоқда.

Асосийси, кишилар ўзларининг яхши-ёмон кунлари, тақдирлари шу маҳалла билан боғлиқлигини тушуниб етмоқдалар.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ПАЛАТАЛАР ЁРДАМИ

Тошкентда ўтказилган бизнес анжуманда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси билан Австриянинг иқтисодий федерал палатаси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди.

Мазкур анжуманда ўтказилган қўшма биржада Австриянинг ўнта йирик компанияси ва мамлакатимиз тадбиркорлари, турли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари қўшма корхоналар ташкил этиш масаласини муҳокама этишди. Ўзбекистон билан Австрия республикалари ўртасидаги келишувга кўра, божхона ва солиқ преференцияларини қўллаб-қувватлаш назарда тутилган тартиб белгиланди. 2004 йилда икки давлат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси ҳажми 64,6 миллион долларни ташкил этди. Бу эса 2003 йил кўрсаткичларига нисбатан етмиш беш фоизга кўп демакдир. Ўзбекистонда 19 та Австрия-Ўзбекистон қўшма корхонаси тўқимачилик, фармацевтика, матбаачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича фаолият олиб бормоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Агентлигида савдо, маркетинг хизматлари, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Австрия фирмаларининг ўн битта корхонаси аккредитация қилинган. Ҳозирги вақтда мазкур Агентлик ва Ўзбекистон Республикасининг Венадаги элчихонаси билан ҳамкорликда ўлкамиздаги ўнта касб-ҳунар коллежларини ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун Австрия ҳукуматининг имтиёзли кредитларини жалб этиш борасидаги масала ишлаб чиқилмоқда. Мазкур лойиҳани Австриянинг "Солар Прожект Гм. БХ" компанияси билан ҳамкорликда амалга ошириш мўлжалланмоқда.

«Туркистон-пресс».

СЕМИНАРДА ТАДБИРКОРЛАР

Тошкентда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ва "MOST" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Давлат дастурининг амалга оширилиши масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Унда Иқтисодиёт ва Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирликлари, "Ўзбекэкспертиза" ОАЖ вакиллари, шунингдек дастурга киритилган ва унда иштирок этиш истагида бўлган корхоналар мутахассислари иштирок этишди.

Маҳаллийлаштириш давлат дастурига киритилган хўжалик субъектлари вакиллари, ҳозирги вақтда республикамиз қонунчилигида ишлаб чиқариш базасини янада ривожлантиришга халал берадиган қатор жиҳатлар мавжудлигини айтишди. Уларнинг орасида импорт қилинаётган маҳсулотлар, шунингдек бутловчи қисмларнинг узоқ вақт экспертизадан ўтказилиши, кўпинча «Ўзэкспертиза» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ва божхона лабораториялари, солиққа тортиш борасидаги стандартларга мувофиқ келмаслик ҳоллари қайд этилди.

«Туркистон-пресс».

«Ватанпарвар»

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида, Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишда навқирон авлодни тарбиялаш юзасидан белгилаб берилган вазифалар ташкилотимиз фаолиятини янги талаблар асосида ислоҳ қилишни тақозо этади.

САЛОҲИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ



Олдимизга шундай талаблар ҳам қўйилдики, уларни амалга ошириш ҳар биримизнинг фуқаролик, қолаверса, инсонийлик бурчимиздир. Мақсадни соддагина ифодаламоқчи бўлсак — ҳар қайси ташкилот ўз вазифасини англаши, ўз масъулиятини ҳис қилиши, ўз юкини кўтариши ва таъбир жоиз бўлса, ўз аравасини мустақил тортиши лозим.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти тизимида спорт-техника клублари ва хўжалик ҳисобидаги корхоналар фаолияти, иш услублари тубдан такомиллаштирилди. Қуролли Кучлар ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган мактаблар, ўқув-спорт клубларимиз фаолиятини такомиллаштириш, маънавий-маърифий тадбирлар кўламини кенгайтириш, спорт секциялари ва бошқа тўгараклар нуфузини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилди.

Ҳозирги кунда вилоятимизда 19 та шаҳар, туман кенгашлари, 4 та автомобиль ва битта техника мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Ўқув-спорт техника клублари эса кенгашлар ҳузуридаги мустақил ташкилот сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ўтган даврда вилоят бўйича бошланғич ташкилотлар сонини 14 тага, аъзолар сонини эса, 526 нафарга кўпайтиришга эришилди. Айни пайтда тизимда 1226 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатиб, улардаги аъзолар эса қарийб 58 минг нафарга етди.

«Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши қошидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг амалга оширган ишлари таҳлил этилиб, дастур ижросини таъминлаш борасида самарали меҳнат қилинди. Айни пайтда жойлардаги «Ватанпарвар» ташкилотлари томонидан 172 нафар бола оталиққа олинган. Уларнинг 45 нафари бевосита жиноят йўлига адашиб кириб қолган ва ички ишлар идоралари ҳисобида турувчи болалардир. Шу билан бир қаторда 636 нафар бола жойлардаги спорт тўгараклари ва секциялари машғулотларига жалб қилинган. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида ўсмирларни спортнинг ёзги биатлон, авиамодель, ракетомодель, ўқ отиш, картинг каби турларига бўлган қизиқишлари янада ортиб бормоқда.

Ўсмир ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг турли хилдаги экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги каби масалаларда ҳокимликлар, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маънавият ва маърифат» марказининг вилоят бўлимлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда 200 дан ортиқ турли мазмундаги тарбиявий тадбирлар ўтказилди. Бунда Келес, Ангрен, Чирчиқ автомобиль мактаблари, Бекобод, Бўстонлиқ, Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳрида эътиборга сазовор ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш лозим.

Ташкилотнинг асосий йўналишларидан бири халқ хўжалиги ва мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун техник ҳамда, оммавий касбдаги мутахассислар тайёрлашдан иборатдир. Шу нуқтаи назардан ўтган даврда халқ хўжалигига жами 6823 нафар юқори малакали, Қуролли Кучлар учун эса, 605 нафар ҳарбий-техник мутахассислар тайёрланди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида эришган ютуқларимиз билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликларимиз ҳам кўрсатиб ўтилди. Барча ютуқ ва камчиликлар ўзимизники, лекин уларнинг қайси бири салмоқлироқ бўлиши ҳам ўзимизга боғлиқ. Мавжуд салоҳият ва имкониятлар етарли даражада экан, улардан оқилона фойдалансак, кўрсатилган нуқсонларни бартараф этишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, олдимизда бир-биридан долзарб, муҳим вазифалар турибди. Ўйлаймизки, вилоят кенгаши ва қўйи ташкилотларимиз бу вазифаларни рўёбга чиқариш учун барча куч ва имкониятларни ишга соладилар.

Аҳмаджон ХЎЖАНАЗАРОВ,
мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раисининг ўринбосари.

Любекда Ўзбекистон кунлари

Германиянинг Шлезвиг-Гольштейн федерал ўлкасида жойлашган Любек шаҳрида мамлакатимиз ишбилармон доираларидан иборат делегация иштирокида Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари бўлиб ўтди.

Делегациянинг ГФРга ташрифидан кўзланган асосий мақсад ишлаб чиқариш соҳасидаги юқори салоҳияти, кўплаб замонавий корхонлари ва молиявий марказлари билан донг таратган Шлезвиг-Гольштейн федерал ўлкаси ҳамда Любек-Кильфленсбург минтақаси билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва жадаллаштиришдан иборат эди.

Ташриф доирасида ўтказилган иқтисодий конференцияда Шлезвиг-Гольштейн ўлкаси савдо-саноат палаталари уюшмасининг раҳбарияти, "ОйлерГермес АГ" кредит-суғурталаш жамияти ҳамда 40 дан зиёд фирма ва компанияларнинг вакиллари иштирок этди.

Иқтисодий конференция давомида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг тақдимоти, шунингдек, Ўзбекистон ва Германия корхоналари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ҳам ўтказилди. Учрашувлар натижасига кўра, ҳар икки томон ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олди.

«Жаҳон» АА.

СТОМАТОЛОГЛАР СЪЕЗДИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида республикамиз стоматологларининг бешинчи съезди очилди. Унда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бирга Марказий Осиё давлатлари, Россия, Озарбайжон, Жанубий Корея, Туркия, Германия ва Исроилдан келган мутахассислар ҳам иштирок этаётир.

Съездда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Н.Шаропов таъкидлаганидек, мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид давлат дастури доирасида тиббиётнинг бошқа йўналишлари сингари стоматология соҳаси ҳам тобора ривожланиб, тизимда касалликларнинг олдини олиш ва даволашга хизмат қиладиган самарали усул ва воситалар кенг қўлланиляпти. Бугунги кунда юртимизда уч юздан кўпроқ стоматологик хизмат кўрсатиш хоналари, поликлиникалар, юзлаб хусусий шифо муассасалари фаолият юритмоқда. Соҳада замонавий усул ва воситалардан, тиббиёт техникасидан кенг фойдаланилаётир.

Соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада оширишда, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини юксалтиришда жаҳон андозалари даражасида таълим олган малакали мутахассисларнинг ўрни катта. Тошкент Тиббиёт академияси ушбу йўналишда мутахассислар тайёрловчи етакчи таълим муассасаси ҳисобланади. Мазкур академиянинг стоматология факультети ташкил этилганидан буён ўтган қарийб эллик йил мобайнида ўн минг нафардан кўпроқ стоматолог-шифокор тайёрланди. Улар ҳозирги кунда юртимизнинг турли ҳудудларидаги шифо муассасаларида халқимизга хизмат кўрсатмоқдалар.

Анжуман иштирокчилари икки кун давомида стоматология соҳасидаги ютуқ ва муаммолар, тиш касалликларининг олдини олиш ва даволашда замонавий усуллардан кенг фойдаланиш, тизимда хусусий тармоқни янада такомиллаштириш, қишлоқ жойларда стоматология хизмати кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган маърузаларни тинглайдилар.

Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Изчил ислоҳотлар йўлида

ҲОЗИР УЛАР ЮЗДАН ЗИЁД

Тадбиркорлик субъектлари бугунги кунга келиб, иқтисодиётимизнинг муҳим бўғинига айланмоқда. Чунки, мамлакатимизда бу соҳага эътибор йил сайин кучайтирилаяпти. Жойларда тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини кучайтириш учун қулай ҳуқуқий асослар ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бугун Тошкент-Ўш халқаро йўлининг Ангрен шаҳридан ўтадиган қисмининг ҳам икки томони ободонлашиб, аҳолига хизмат кўрсатиладиган турли тадбиркорлик шоҳобчалари барпо бўлмоқда ва улар иш фаолиятларини тобора кенгайтирмоқдалар. Уларнинг бири бўлган «Ангрен-Ленд» кичик корхонаси жамоаси ҳам асосий хизмат турларини шу марказий йўл бўйида йўлга қўймоқда. Бу ерда 350 ўринли ошхона, новвойхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ишлаб турибди.

Корхона фаолият бошлаганига эндигина уч йил бўлди. Шундан буён ҳар йили 25-30 тадан янги иш ўринлари барпо этилмоқда. Илгари жамоа 30 нафар ишчи-хизматчидан иборат эди. Ҳозир бу ерда 100 дан зиёд киши иш билан таъминланди. Унга раҳбарлик қилиб келаётган Абдуқодир Бегматов тадбиркорликнинг этагидан пухта тутган йигит. Корхонани кенгайтириш, аҳолига хизмат кўрсатишнинг янги турларини йўлга қўйиш ишлари ҳамон давом этмоқда. Чунончи, корхонага яқин ҳудуддаги ташландиқ майдон ободонлаштирилиб, мўъжазгина гузар бунёд этилмоқда. У ишга тушгач, 50 ўринли ошхона, меҳмонхона, сартарошхона бўлимлари фаолият бошлайди.

— Булардан ташқари корхонамиз қошида қурилиш ашёлари ҳам ишлаб чиқарилаяпти, — дейди Абдуқодир Бегматов. — Улар янги дизайн асосида тайёрланаётган темир-бетон деворларидир. Ҳозирги кунда бу маҳсулотга харидорлар кўп. Шуни ҳисобга олган ҳолда янги йилдан ишлаб чиқариш ҳажмини бир ярим баробар ошириши режалаштираяпмиз. Республикамиз Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текшириши янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони биз тадбиркорларни эркин фаолият юритишимиз учун замин яратувчи яна бир имкониятдир. Унда микрофирмалар, кичик корхоналар, фермерлар молия хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса, ҳар уч йилда бир марта режа асосида текшириш кўрсатиб ўтилган.

Абдуқодир Бегматов Ангрен шаҳар кенгаши депутати ва тадбиркор сифатида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз улушини қўшиб келаяпти. Гурум, Лашкерак, Нишбош маҳаллаларини янада обод этиш, 15-, 16-мактабларнинг таъмирланишига ёрдам кўрсатишдек амалий ҳаракатларда фаол қатнашмоқда.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Қонун ва ижро

ИФТИХОР РАМЗИ

Ҳар бир мустақил мамлакат ўз фуқароларининг ватанпарварлик туйғуси билан қудратлидир. Миллий паспорт – бу туйғунинг рамзи ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, фуқаролик тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон фуқаролари республика фуқаролик паспортлари билан расмийлаштириладилар. Ўзбекистон Республикаси паспорти билан 16 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари расмийлаштирилиб, 25 ва 45 ёшга тўлганларида паспорт алмаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1999 йил 29 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими ҳақида»ги Фармонда кўрсатилган низомнинг 20-бандига биноан, фуқаро паспортини эҳтиёткорлик билан сақлаши шарт.

Паспортлар сақланишига эҳтиётсизлик қилиш ёки уларни яроқсиз ҳолатга келтириш натижасида фойдаланиб бўлмаслик фуқаролар паспортларининг йўқолишига асосий сабабларидан ҳисобланади. Бундай ҳолатларда паспортини йўқотиб қўйган ёки паспорти яроқсиз ҳолга келган фуқаро дарҳол рўйхатдан ўтган паспорти йўқолган жойдаги ички ишлар органларига, шунингдек, чет элларда, келган жойлардаги Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига мурожаат этишлари шарт. Шундай ҳолатларда фуқаро ўз аризасида паспортини қандай вазиятда йўқотгани, йўқолган вақти ва жойи, ўзининг доимий яшаш манзилини, тўлиқ анкета маълумотларини, машғулот турини ҳамда паспорти ўғирланганлигини кўрсатади. Паспорт ўғирланган ҳолларда фуқаро ўғрилик содир этилган жойдаги ички ишлар органлари навбатчи қисмига мурожаат этади. Эҳтиётсизлик оқибатида паспорти яроқсиз ҳолга келган ёки паспортини йўқотган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 223-моддаси билан маъмурий жазо чоралари кўрилади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзлари яшаб турган жойдаги ички ишлар идораларига фуқаролиқни қабул қилиш масаласида ариза билан мурожаат қилишлари мумкин. Бунинг учун ўрнатилган тартибдаги ариза-анкета, иш ва яшаш жойидан маълумотнома, белгиланган давлат божи тўланганлиги ҳақидаги тўлов қоғози ва бошқа ҳужжатларни топширади. Фуқароларнинг аризалари кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан фуқаролиққа қабул қилинади ва паспорт билан ҳужжатлаштирилади.

Ўзбекистонга вақтинча яшаш учун келган чет эл, МДҲ давлатлари фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жойлардаги ички ишлар органларига мурожаат қилиб, ўрнатилган тартибда вақтинча рўйхатдан ўтишлари шарт. Доимий яшашга қолиш истагини билдирганлар вақтинча рўйхатдан ўтган ички ишлар органига ариза билан мурожаат қилиб, керакли ҳужжатларни тақдим этадилар. Аризалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ҳокимиятда кўриб чиқилиб, якуний хулоса чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юборилади. Доимий яшашга қолиш ва яшаш гувоҳномаси билан ҳужжатлаштиришга рухсат берилган чет эл, МДҲ давлатлари фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўрнатилган тартибда яшаш гувоҳномалари билан ҳужжатлаштирилиб, доимий рўйхатдан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари ўртасида 2000 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси фуқароларининг ўзаро бориб келишлари тўғрисида»ги битимга 2005 йил 13 июлда ўзгартириш киритиш тўғрисидаги баён имзоланганлиги сабабли, шу йилнинг 13 август кунидан бошлаб республиканинг 16 ёшга тўлмаган фуқаролари Россия Федерациясига «Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномаси» асосида боришлари белгиланган.

Вояга етмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Россия Федерацияси ҳудудига киришлари вақтида «Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномаси» билан ота-она ёки уларнинг қонуний вакиллари шу гувоҳномага киритилган ҳолдагина рухсат этилади. Россия Федерациясига бораётган вояга етмаган фуқароларни ота-оналари ёки уларнинг қонуний вакилларининг аризалари асосида белгиланган шаклдаги ариза-анкета, 16 ёшга тўлмаган фуқаронинг туғилганлик гувоҳномаси ҳамда нотариал тасдиқланган туғилганлик гувоҳномаси нусхаси, 3,5х4,5 см катталикдаги 4 та фотосурат, ташкилот ёки муассасанинг белгиланган намунадаги буюртманомаси, вояга етмаган шахснинг чет элга чиқиши учун ота-оналари, васийларининг нотариал тасдиқланган розилиги, вояга етмаган шахсга ҳамроҳлик қилувчи шахснинг нотариал тасдиқланган мажбуриятлари, давлат божи ундирилганлиги тўғрисидаги квитанция топширилиши лозим.

Ушбу тоифа фуқароларнинг аризалари вилоят ИИБ хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси томонидан кўриб чиқилиб, ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашда, фуқаролар томонидан яшаш қоидаларига амал қилишлари, хорижий давлат фуқароларини республикага келишлари, бўлишларини тартибга солишда «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида»ги низомнинг аҳамияти жуда каттадир. Паспорт тизимидаги вазифаларни амалга ошириш ички ишлар идораларининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Шу сабабли Тошкент вилояти ички ишлар идоралари хизматлари вилоят ҳудудида паспорт-виза қоидаларига риоя қилинишини текшириш мақсадида мунтазам махсус тадбирлар ўтказиб келмоқда.

С. МИРАҲМЕДОВ,
вилоят ИИБ хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи.

ЎЗБЕК РАДИОСИНИНГ ҲИНД ТИНГЛОВЧИЛАРИ

Пойтахтимиздаги Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳинд маданияти марказида Тошкент халқаро радиоси томонидан ҳинд тилидаги эшиттиришларнинг эфирга узатила бошлаганига 43 йил тўлиши муносабати билан тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда журналистлар, ҳиндшунос олимлар, ўзбек ва ҳинд санъаткорлари иштирок этди.

1962 йилнинг кузида "Тошкентдан гапираяпмиз" деган хитоб биринчи марта ҳинд тилида эфирга чиқди. Шундан буён ҳаво мавжларида ҳар куни бир соатлик ҳиндча эшиттиришлар янграмоқда.

Тошкент халқаро радиоси дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатидан хатлар олади. Улар орасида ҳиндистонлик мухлислар томонидан ёзилганлари ҳам анча экани ҳинд тингловчиларининг юртимизга қизиқиши юқорилигидан далолатдир.

Жумладан, Уттар-анчал штати Найнитал туманидан Шанкар Сингх Басера шундай ёзади: "Қизиқарли эшиттиришлар бериб бораётганингиз учун катта раҳмат. Мен сизнинг ажойиб мамлакатингиз ҳақида кўпроқ билишни истайман. Шунинг учун радиоприёмник ёнида ўтириб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ҳақидаги хабарларни тинглаш жуда марокли".

Тадбирда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётгани, бунда Тошкент халқаро радиосининг ҳинд тилидаги эшиттиришларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси борлиги алоҳида таъкидланди.

ЎзА.

ҲАР КИШИНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ ОДОБИДАДИР

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи чорагидаги ўзбек илм-фани, хусусан, маърифатчилиги, адабиёти тараққиётида кўп тилнинг билимдони бўлган адиб, муаллим, мутаржим, нозиктаъб шоир Саид Аҳмад Васлий Самарқандийнинг алоҳида ўрни бор.

Меросимиз хазинасидан

Васлий ўндан зиёд исломий ва тасаввуфий асарларни араб, татар, форс тилларидан ўзбек тилига ўгириб, араб тили грамматикаси, калом илми, ислом асосларига доир дарсликлар яратди. Унинг «Ўқувчилар манфаати», «Ибодат-ал-исломия», «Боқмоқ керак», «Шарҳи рубоиёти Жомий», «Таълим ва билдирмоқнинг фойдали ўлмоғи», «Назм-ус-силсила» сингари қўлланмалари ҳамда илмий рисолалари 1901-1918 йиллар орасида Самарқанд, Тошкент ва Қозон шаҳарларида тошбосма ва қоғозбосма усулида кўплаб нусхада чоп этилган. Бундан ташқари Васлий ўзбек ва тожик тилларида ижод этган зуллисонайн нозиктаъб шоир бўлган. Унинг девонлари 1907-1909 йилларда Тошкентда босилган.

Васлий Шарқ адабиётида кенг тарқалган ғазал, қасида, маснавий, рубоий, таржеъбанд, таркиббанд, муҳаммас, мувашшаҳ сингари жанрларда гўзал асарлар яратган. Шоирнинг ўзбекча ва тожикча девонларидаги шеърлар тахминан ўн икки минг байт атрофидадир.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳамда Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи хазиналарида Васлийнинг йигирмадан зиёд асарлари сақланмоқда. Афсуски, уларнинг барчаси босма нусхадир. Биз дастхат ганжиналарда Васлий асарлари, жумладан, девонининг қўлёзма нусхаларини учратмадик. Ҳозиргача шоирнинг тугал таржимаи ҳоли ҳам аниқланмаган.

Саид Аҳмад Васлий ўз шеърларида замонаси учун долзарб бўлган ижтимоий-фалсафий, сиёсий, диний, ирфоний ғояларни тарғиб этиб, инсон ақлзаковати, камоли ўқиш, ўрганиш, касбга эътиқод қўйиш натижасида рўёбга чиқади, деган фикрларни илгари сурган. Шоир девонининг таркибига синчиклаб қарайдиган бўлсак, унда асосий ўринни насиҳатнома моҳиятига молик шеърлар эгаллаганини кўрамиз. Шоир ўзининг ахлоқий-таълимий қарашларини «Фи ал-насиҳатнома», «Таълими ибрат», «Фи ал-нояҳ», «Тарғиб», «Ташвиқ», «Тилсими ибрат» сингари ғазалларида мукаммал ва муайян далиллар воситасида ифодалашга муяссар бўлган. Ижодкорнинг фикрича, ёш ниҳолнинг басавлат дарахтга айланиши унинг қандай парвариш қилинишига боғлиқ бўлганидек, одам боласининг комил инсон бўлиб етишиши учун ҳам уни мурғакликдан тарбиялаб боришга эътибор бериш керак. Тарбия маскани эса — мактаб ҳисоблана-ди.

Кони иззу жалолдур мактаб,
Жойи фазлу камолдур мактаб.
Жоҳил одам бу ерда олим ўлур,
Маъдани ҳар ҳисолдур мактаб.

Мактаб — шундайин бир маънавият даргоҳики, бу зиёхонага кирган киши, албатта, камол топади. Зеро, мактаб зиё, илм, маърифат бўстонидир. Шоир Васлий панд-насиҳатлар орқали фарзанднинг униб-ўсиши, фикр ва дунёқарашининг теранлашиши мактабда мукаммал билим олиш туфайли юз беради, деган ғояни илгари суради.

Мактаб ичра ўқу улуму фунун,
Ақлга пару болдур мактаб...
Ақл бўлғай расоу тил гўё,
Айни ҳусни мақолдур мактаб.

Адиб бир қатор шеърларида асосий эътиборни одоб-ахлоқ масалаларини васф этишга қаратади. Унинг фикрича, одоб — инсонга кўрк бағишловчи фазилат. Одобли киши ўз хушхулқлиги боис эл-юрт орасида қадр, ҳурмат топади, эъзозланади, муродига етиб, яхшилар дуосига муяссар бўлади.

Ер узра кимса қадр мусалла
тилар эса,
Айлар баланд мартабасин
чун само адаб.

Ижодкор ғазалнинг мақтасида кишини огоҳликка чақиради ва тўғри хулоса чиқаришга ундайди.

Ўлма Васлий каби асири оз
Оз-оз жумлаи муддаодан кеч.

Биринчи байтдаги оз сўзи — ҳирс маъносида қўлланилган. Демак, шоир Васлий китобхонни ўз ҳирсу ҳавасига асир бўлиб қолмасликка чорлайди. Бунинг чораси оз-оздан аста-секин ўткинчи ҳою ҳавасдан воз кечишдир, деган фикрни ифодалайди.

Девонда келтирилган «Тилсими ибрат» ғазали ҳам жуда катта маърифий моҳиятга эга. Бу ғазал орқали шоир кишини энг хунук иллат — таъмагирликдан қайтишга ундаб, таъма билан ўзгалардан фойда олиш гуноҳи азим эканлигини уқтиради. «Таъма — кишини ўз нафсига қул қилади, эл-юрт орасида расвои жаҳон қилади», — дейди шоир. Ва шу ўринда тазод санъатининг энг гўзал намунасидан фойдаланиб, ажиб поэтик тасвир яратади.

Неча касбу тижорат айламадинг,
Қилмағил мунча эҳтиром тамаъ.
Касб бир нурдир, залом тамаъ,
Касб бир субҳ эрур, шом тамаъ.

Адиб юқоридаги мисрада касб ва тамаъ, нур ва зулмат, тонг ва шом сўзларини ўзаро бир-бирига зид ишлатиб, тазод санъатини юзага келтирган ва натижада байт таъсирчанлигини оширган.

Касб мисоли нур, у кишини тўғри йўлга бошлайди, тамаъ эса зулмат, унинг иши кўнгилга озор етказишдир. Касб — тонг, вазифаси одамлар қалбига оқлик, софлик олиб кириш; тамаъ — шом, бу қалбни ғаш лантиради, кўзда мудроқлик зуҳур этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Васлий шеърларидаги юксак ғоялардан бири ватанпарварлик ғоясидир. Ватанни севиш, ардоқлаш, унинг хизматини бажо этиш, халқини деб яшаш, ҳар бир юрт фарзандининг асосий бурчидир. Бу вазифа одамзотга қон билан кирган муқаддас туйғудир, дейди шоир.

Биз Васлий девонининг 1909 йилги нашридаги шеърларининг бир жиҳатигагина тўхталиб ўтдик. Шоир ижодини мукаммал ўрганиш, девони қўлёзмасини топиб, уни нашр этиб, ўз меросхўрларига етказиш, адабиётшуносларимизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидандир.

Ҳуснигул ЖЎРАЕВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети магистранти.

Olamda nima gap?

ИРОҚ ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ АРАФАСИДА

Ироқда 15 декабрда олий қонунчилик органи бўлмиш Миллий ассамблеяга ўтадиган сайловга қизғин тайёргарлик кетмоқда.

Пойтахт Бағдод кўчалари депутатлик ўринлари учун курашувчи партия ва блокларнинг ташвиқот шиорлари ва варақалари билан безатилди. Матбуотда номзодларнинг сайловолди мақолалари эълон қилинаётир.

"Новости" ахборот маҳкамаси хабарига қараганда, парламент сайловида Ироқдаги 307 партия ва сиёсий ҳаракат иштирок этиши керак. Кузатувчилар Миллий ассамблеядаги 275 ўринни асосий кучлар — шиа, курд ва суннийларнинг коалициялари, шунингдек, собиқ бош вазир Айёд Алавий блоки эгаллайди, деб таҳмин қилаётир. Кичик партиялар ҳам ғалабага умид боғлаб турибди.

Таъкидламоқ жоизки, 2005 йил 30 январдаги парламент сайловида ғолиб келиб, ўз ҳукуматини шакллантирган шиалар ироқликлар ишончини тўла оқлай олмади. Уларни ҳатто диний раҳнамолари оятулло Али Сейистоний ҳам қўллаб-қувватламаслиги маълум бўлди. Мамлакатда ҳукм сураётган беқарорлик ва иқтисодий-ижтимоий инқирозга барҳам берилмагани бунинг асосий сабаби сифатида кўрсатилмоқда. Шундай бўлса-да, шиалар коалицияси Бағдодда кўплаб тарафдорларга эга "Ас-Садр" ҳаракатининг раҳбари Муқтадо Ас-Садр кўмагида ғалабага эришиш ниятида.

Суннийларнинг "Ироқ ислом партияси", "Ироқ халқлари конференцияси", "Миллий мулоқот кенгаши" ва "Миллий аҳдлашув фронти" каби етакчи партиялари ўз сиёсий шиорларида мамлакатнинг яхлитлигини сақлаб қолишни бош мақсад сифатида белгилаган. Уларнинг фикрича, шиа ва курдларнинг Ироқни федерал давлатга айлантириш ғояси амалга ошадиган бўлса, мамлакат фуқаролар уруши гирдобига тортилиши муқаррар.

НАВБАТДАГИ ТЎФОН ХУРУЖИ

Марказий Америка минтақасида табиий офат юз берди. Якшанбага ўтар кечаси Атлантика океанининг Гондурас соҳилларига "Гамма" тўфони хуружи оқибатида 14 киши ҳалок бўлди, 13 киши бедарак йўқолди.

"Рейтер" ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда, кучли тошқин мамлакатнинг соҳилбўйи ҳудудларидаги автомобиль йўллари ва кўприкларни вайрон қилган. Кўплаб аҳоли пунктлари мамлакат марказидан бутунлай узилиб қолган.

Айни вақтга қадар 12 минг киши хавфсиз ерларга кўчирилди. Гондурас қутқарув хизматлари вертолёт ва қайиқлар ёрдамида талофат кўрган туманларга етиб боришга ҳаракат қилаётир. Бироқ қўниш мумкин бўлган ерларни сув босгани боис ҳаво транспортидан фойдаланишнинг иложи бўлмаяпти.

Маълумотларга қараганда, табиий офат мамлакат ҳудудидаги юзлаб турар-жой биноларига шикаст етказган. Шунингдек, тўфон оқибатида йўловчи ташувчи кичик самолёт ҳалокатга учраган. Уни бошқараётган учувчи ва икки йўловчи ҳалок бўлган.

Таъкидламоқ жоизки, "Гамма" жорий йилда Марказий Америкага талофат етказган йигирма тўртинчи тўфондир. Унинг АҚШга ҳам хуруж қилиши кутилаётганди. Бироқ бу гал тўфон мазкур мамлакатни четлаб ўтди.

ЎзА.

Сарҳисоб

ХИРМОНГА ЯРАША ДАРОМАД

Бир-икки йилни ҳисобга олмаганда, Оққўрғон тумани пахтакорлари ҳар мавсум уюшқоқлик билан меҳнат қилиб, йиғим-теримни барвақт ва ёруғ юз билан якунлашади ва уйилган баракали хирмонга яраша салмоқли даромадга эга бўлишади.

Шуниси диққатга сазоворки, туман пахтакорларининг умумий ютуғига беистисно барча ширкат ва фермер хўжаликлари муносиб улуш қўшади. Айниқса, «Ўзбекистон», Охунбобоев номли, «Қаҳрамон», С. Сегизбоев номли ширкат хўжаликлари жамоалари ҳар мавсум йиғим-теримни биринчилардан бўлиб якунлаб, туманнинг ҳам шартнома мажбуриятини барвақт бажаришга замин яратади.

С. Сегизбоев номли хўжалик пудратчиларининг кейинги йилларда эришаётган ютуқлари ва туманда ўзига хос салоҳиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Аввало, у энг кўп пахта етиштириб, туман хирмонига барака киритадиган йирик хўжаликлардан биридир. Қолаверса, ҳар йили пахтанинг ўзидан юз миллион сўмлаб соф фойда олиб, туманнинг иқтисодий салоҳияти юксалишига ҳам катта ҳисса қўшади.

Узоққа бормай, хўжаликнинг кейинги икки йил давомида эришган натижаларига тўхталиш кифоя. 2004 йилда 1973 гектар майдонда С-6524 навли ғўза парваришланиб, давлатга 5160 тонна ёки 1 миллиард 177 миллион сўмлик юқори навли хом ашё сотилди. Кўрилган соф фойда эса қарийб 115 миллион сўмга етди.

— Йирик хўжаликни эплаб бошқариш, одамларнинг бошини қовуштириш, манфаатдорлик билан ишлашга рағбатлантириш раҳбар ва мутахассислардан тадбиркорлик, изланиш талаб этади, — дейди бошқарув раиси Абдулла Астракулов. — Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз ҳар йили иложи борича кам сарф-харажат қилган ҳолда, арзон ва сифатли пахта хом ашёси етиштиришга асосий эътиборни қаратиб, мақсадимизга бир қадар эришаяпмиз. Қўлга киритилган соф фойда асосан хўжалигимиз аъзоларининг моддий манфаатдорлигини янада оширишга, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, уларнинг турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилмоқда.

Тўғри, меҳнатидан яхши даромад кўраётган киши сидқидилдан ишлайди. Пахта эса, шундай экинки, у ёз бўйи тинимсиз ва сифатли парваришни талаб этади. Демак, «Меҳнат қилишдан мақсад — яхши даромадга эга бўлиб, фаровонликни ошириш» қабилида иш тутадиган раҳбар нафақат янглишмайди, балки хўжаликнинг иқтисодий юксалишига, аъзоларнинг яхши турмуш кечиришига, қишлоқ, маҳалла, хонадонларнинг ободонлашиб боришига хизмат қилади.

Туманда энг кўп ва кенг тармоқли йирик хўжаликлардан бўлишига қарамай, бу йил ҳам пахта етиштириш шартнома режаси октябрь ойидаёқ муваффақиятли бажарилди. Барқарорликнинг асосий сабабларидан яна бири шуки, пудратчилар С-6524 навли ғўзанинг ўзига хос агротехник талабларини пухта ўрганишган ва бутун парвариш давомида ҳар тадбирни экиннинг талабига қараб, айни вақтида ва маромига етказиб бажаришади. Шу боис 1864 гектар майдондаги ғўза дуркун ривожланиб, мўл ва сифатли ҳосил тўкди. Давлатга сотилган 4900 тоннадан зиёд пахтанинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Хўжалик раҳбарларининг тахминий ҳисоб-китобларига қараганда, пахтадан қоладиган соф даромад 120 миллион сўмдан кам бўлмайди.

Айни кунларда барча куч ва имкониятлар пахта майдонларини ғўзапоядан тозалаб, кузги шудгорлашни сифатли бажариб, барвақт якунлашга қаратилмоқда.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Инсон хотираси азиз

НУРЛИ ИЗ

Шундай кишилар бўладики, улар ўткинчи ҳаётда қолдирган излар келгуси авлодлар учун халққа хизмат қилишнинг ажойиб намунасига айланади.

Буюк шоиримиз Алишер Навоий бундай инсонларни кишилик боғининг ҳосилдор дарахтига, унинг тотли мевасига, одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёсига ва уммон тубидаги асл гавҳарга қиёслаган эди.

Қирқ йилдан ортиқ Тошкент туманидаги Собир Раҳимов номли хўжаликка моҳирона раҳбарлик қилган Мақсудали Маъмуров ана шундай инсонлардан бири. Бугун ҳам Кўктерак қишлоғида бўлиб, катта-кичик билан суҳбатлашсангиз, Мақсудали отанинг ибратли ишларини тилга олиб, ўзидан нурли из қолдирганлигини алоҳида эҳтиром билан таъкидлайдилар.

Ўтган асрнинг 30-йиллари бошларида қишлоқда учта жамоа хўжалиги бўлган. Ўша даврда деҳқонларнинг Эркабой Сулаймонов, Дадажон Мўминжонов, Сафар Турғунов, Азамат Норматов, Тожибой Ёвқориев, Эрмат Забиров сингари серҳаракат етакчилари етишиб чиқишганди. 1937 йили хўжалик аъзолари ўз лаёқатини амалда намоён этабилган ёш, ташкилотчи раҳбарлардан бири бўлган Мақсудали Маъмуровни ўзларига етакчиликка сайлашди. У одамлар ишончини оқлаш учун кўпгина хайрли ишларни амалга ошира бошлади. Зоғарикдан сув олиниб, экин майдонлари кенгайтирилди. Бир йил ичида янги мактаб учун бино қурилди.

Қишлоқда ободончилик ишлари авж олиб бораётган бир пайтда иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Шу биргина хўжаликдан 425 йигит фронтга жўнади. Дала ва фермалардаги ишлар кексалар, аёллар ва ёш болалар зиммасига тушди. Шундай қийин пайтларда Мақсудали Маъмуров одамларни жипслаштириб, хўжалик юмушлари ўз вақтида бекаму кўст бажарилишига эришди. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда оқсашга йўл қўйилмади.

Урушдан кейинги йиллари хўжалик сабзавотчилик, узумчилик ва чорвачилик соҳаларига ихтисослашди. Кучли ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган Мақсудали Маъмуров барча ишларни хўжалик аъзолари, шунингдек, Азиз Зиёев, Ғозибой Тиллаев, Турди Деҳқонов сингари бригада бошлиқлари, Нафиса Тожибоева, Фотима Абдуллаева, Лазокат Норматова, Раҳима Зарипова, Муниса Рихсиева каби чорвадорлар, Наби Ҳакимов, Ваҳоб Ёқубов каби муҳандис ва агрономлар билан баслашиб борганлиги натижасида жамоа республикадаги иқтисодий бақувват хўжаликлар қаторидан ўрин олди.

Даромаднинг катта қисми қурилиш ва ободончилик ишларига йўналтириларди. Қишлоқда болалар боғча-яслиси, шифохоналар, 400 ўринли кинотеатр, янги мактаблар, клуб, меҳнат фахрийлари уйи, спорт зали ва бошқа маданий-маиший хизмат бинолари қурилди.

Бугун Кўктерак қишлоғида бўлган киши ажойиб ташкилотчи, жонкуяр раҳбар Мақсудали Маъмуров ҳақида фақат илиқ, ёрқин хотиралар эшитади. Элюрт фаровонлиги учун жон қойитиб, унинг ташвишларини зиммасига олган бу инсон ҳамқишлоқлари хотирасида яшаб келаётганлигига ишонч ҳосил қилади.

Эркин ҒУЛОМОВ,
«Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент тумани бўлими раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсларига танлов эълон қилинади

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг сержантлар таркибининг тайёрлаш бўйича Олий курсларига ўрта-махсус ва олий маълумотга эга, бўйи 1.70 см.дан паст бўлмаган, 25 ёшгача бўлган, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган, ўзининг ахлоқий ва касбий хислатларига, соғлиғининг ҳолатига кўра ички ишлар идораларида хизмат ўташга лаёқатли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар.

Шунингдек, ички ишлар идоралари ва тизимларида камида уч йил давомида хизмат ўтаётган, ўрта-махсус ёки олий маълумотга эга ҳамда сержантлар таркиби лавозимларига тайинланиши режалаштирилаётган сафдорлар таркиби ҳам танловда иштирок этиши мумкин.

Олий курсларда ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқишга қабул қилинган курсантлар ўқиш давомида бепул озиқ-овқат, махсус кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар. Шунингдек, уларга стипендия ҳам тўлаб борилади.

ИИВ Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсларига ўқишга кирувчи номзодлар ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимлар асослари, касбий-руҳий тайёргарлик бўйича тест синовларини топширадилар ҳамда улардан жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳон қабул қилинади.

Номзодлар қабул имтиҳон ва синовларини давлат ёки рус тилида топширишлари мумкин.

ИИВ Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсларига ўқишга кириш хоҳишини билдирган номзодлар маълумот учун Тошкент вилояти ИИБ Шахсий таркиб билан ишлаш хизматига мурожаат этишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Интизор кўчаси, 17-уй, мўлжал «Динамо» ўйингоҳи.
Телефонлар: 162-57-34, 66-44-50, 64-75-19.

Шеърият

КЎРГИМ КЕЛУР

(Ўхшатма)

Кетиб дилбар, ғарибингни нигоҳингдан жудо қилдинг,
Зор ҳолимга парво қилмай, гул чеҳрангдан жудо қилдинг.

Боғлар аро қушлар сайраб, менга айтур ёринг қайда,
Ёлғизлигим аён элга, даргоҳингдан жудо қилдинг.

Ҳижрон йўли қисмат экан, етолмайман жамолингга,
Кўргум келур азизим, нур дийдорингдан жудо қилдинг.

Бу дунёда излаб топган сен ягона жаҳонимсан,
Бераҳм ишқ дил ёндириб, жаҳонимдан жудо қилдинг.

Назармат-чун муҳаббатда сен беназир гўзал дунё,
Кетиб дилбар ғарибингни нигоҳингдан жудо қилдинг.

ЁД ОЛИНГ

Эл мардлари унут бўлмас, дўстлар, ёд олинг,
Улар бизу сизлар учун фидо бўлганлар,
Жондан азиз она элин асраб жангларда,
Марди майдон бўлиб жондан жудо бўлганлар.
Ватан меҳри қуёш эрур аҳли жаҳонга,
Зарра хок ҳам эллар учун дунё бўлганлар,
Эл бурчини кўрар тинчу озод Ватанда,
Ватан қадрин билмаганлар адо бўлганлар.
Инсон учун эл ўтмиши сўнмас хотира,
Аждодларнинг пок руҳлари зиё бўлганлар,
Фасли баҳор гуллар унар она заминда,
Кўрки олам чиройига жило бўлганлар.
Назарматга азиз у хотира қадри,
Боболарнинг жасорати дуо бўлганлар,
Эл мардлари унут бўлмас, дўстлар, ёд олинг,
Улар бизу сизлар учун фидо бўлганлар.

НАЗАРМАТ.

ИЖОДКОРЛАР ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқоричирчиқ туман бўлими ташаббуси билан «Жумабозор» қишлоғидаги педагогика коллежида адабий учрашув ташкил этилди. Унда коллежнинг 200 дан ортиқ ўқитувчи ва талабалари иштирок этишди.

Тадбирда шоир ва ёзувчилар ўзларининг она-Ватан, севги-муҳаббатни тараннум этувчи шеърларидан намуналар ўқиб беришди. Қизиқарли ва мароқли ўтган тадбир сўнггида адиблар ўзларининг янги чоп этилган китобларига дастхат ёзиб фаол талабаларга совға қилишди.

САЛОМАТЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

«Сиҳат-саломатлик йили» ҳамда 1 декабрь Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш кунига бағишлаб, Юқоричирчиқ туманидаги 3-, 10-умумтаълим мактабларида «Биз — ОИТС ва гиёҳвандликка қаршимиз» шиори остида тадбир ташкил этилди.

Унда 500 дан ортиқ ўқитувчи ва ўқувчи иштирок этди. Тадбирда Тошкент вилояти ОИТС маркази вакили, ёзувчи ва шоирлар сўзга чиқишиб, ушбу касалликларнинг зарарли оқибатлари олдини олиш юзасидан сўз юритишди. Тадбир ниҳоясида қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Шундан кейин

АЛЬПНИНГ «ЗУККО» КЎЗГУЛАРИ

Австриянинг Раттенберг шаҳри аҳолиси ўзлари яшаётган ҳудудни улкан кўзгулар мажмуи билан ёритишни режалаштиришмоқда.

Гап шундаки, шаҳар бутун қиш мобайнида баландлиги 900 метрли тоғ соясида қолиб кетади. Энди тоғ қиялигига 30 та «ақлли» кўзгу — гелиостатлар ўрнатилади. Улар қуёш ортидан бурилиб, унинг нурларини зарур томонга йўналтириб туради.

ПАРВОЗДАГИ ЖАРИМА

Парвоз пайтида четроққа чиқиб чекмоқчи бўлган француз аёл самолёт хавфсизлигига раҳна солганини тан олди.

34 ёшли Садрин Селье сигарета ва ёндиргични олиб ҳолироқ жой томон юриб бораётганда стюардесса уни тўхтатди ва йўловчини ўз ўрнига кузатиб қўйди. Селье бу хатти-ҳаракати учун шартли жарима билан жазоланди.

ҲАР ЗАРБНИНГ ЖАВОБИ БОР

20 ноябрь куни Днепропетровскдаги кўча муштлашувида жабрланган россиялик теннисчи Андрей Чесноков мазкур жиноий иш терговини шахсан ўзи назорат қилиб турмоқчи.

Москвалик адвокатлар билан маслаҳатлашиб олгач, спортчи Украинага қайтиб, айбдорлар ўз қилмишларига яраша жазоланишларини кузатиб туришини айтди.

ШУНЧАКИ ЎЙИН ЭМАС

Сингапурда World Cyber Games 2005 жаҳон компьютер ўйинлари бош чемпионатининг якуний қисми ниҳоясига етди.

Мусобақалар натижаларига кўра, америкалик киберспортчилар биринчи, Жанубий Корея ва Бразилия вакиллари эса, мутаносиб тарзда иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

МЎЪЖАЗ КОТИБ

Leap Frog компаниясида ишлаб чиқарилган Fly Pentop Computer ручка-компьютери бир ой ўтар-ўтмас, eBay, Toys «R» US ва бошқа компаниялар томонидан тузилган «Энг оммабоп ўйинчоқлар» рўйхатига тушди.

Ушбу ручка ўзига ёзилган сатрларни «ўқишни», хатоларни тўғрилашни, инглизча матнни испанчага ўгиришни ва бошқа кўплаб юмушларни уддалашни эплайди.

Маънавият сабоқлари

ҲАВАС ВА ҲАСАД

Дунёда ҳавас қилган одамларни кўп кўргансиз. Яхшига ҳавас қилишади, одобли-илмлига ҳавас қилишади, ҳатто, бойликка ҳам ҳавас қилишади. Ҳавас яхши нарса. Айниқса, одамларнинг ибратли оилаларига, хонадонда яшовчи ота-оналарига, фарзандларига, рўзғор тутишларига, бир-бирларининг муносабатига ҳавас қилиши ҳам табиийдир.

Ҳавас — инсоннинг яхшиликка интилиши, хаёлида орзу қилган ҳаётига эришишидир.

Эсимда бор, болалигимизда эри уззу кун ичиб, оилани тинч қўймаган бир аёл унинг калтакларига тишини-тишига босиб чидар ва ўғлига: «Каримжон ўғлим, сен фалончи акангга ўхшаган бўласан-а, қара қандай одобли, ичмайди, чекмайди, болаларини ҳам уришмайди», деб деярли ҳар куни уч-тўрт унинг қулоғига қуярди. Йиллар ўтиб, катта ўғил ҳақиқатан ҳам меҳнаткаш, меҳрибон, одобли ва самимий йигит бўлиб етишдики, аёл буни ҳаваснинг кучи деб билди. У бир яхшига чин дилдан ҳавас қилиб, каттасининг ҳам шундай бўлишини илтижо қилиб сўради, ниятига етди.

Ҳавас одамнинг феълини, юриш-туришини, ҳатто, яшаш тарзини ҳам мутлақо ўзгартириб юбориши мумкин. Чунки ҳавас қилган одамга тақлид қилишдан то ундай бўлишга интилиш одамни яхши томонга бошлайди.

Қўшнимиз Сафар бува болаларига доимо маҳалламиздаги бир оилани ибрат қилиб кўрсатар экан, «сизлар ундай бўлолмайсизлар, қўлларингиздан келмайди», деб бақирар эдилар. Ҳақиқатан ҳам ўғиллари ўша ибратли хонадоннинг ўғилларига ўхшамади. Бири пиёниста, бири бекорчи, бири эса безори бўлди. Нега? Халқимизда бир гап бор, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта «омин» дейди. Отанинг ўзи ҳавас қилатуриб, яна «сизлар ундай бўлолмайсизлар» деб ёмон ниятни ҳам мудом қўшиб келди.

Демак, ҳавасга яхши ният ярашади, уни кўнгилда дарахт қилиб ўстириш, мевасини кутиб яшаш лозим.

— Ҳавас худди оқ ниятга ўхшайди, болам. Бировга ҳавас қилсанг, юрагинг осмонида қуёш чиққани билан баробар, — дейди саксонни қоралаган отам. У киши бир умр кишиларга ҳавас қилиб яшадилар, бизларни ҳавас билан ўстирдилар, ҳавас билан уйлижойли қилдилар. Мен бундан фахрланаман.

Ҳавас ҳақидаги фикрларимни мухтасар қилар эканман, бу туйғуни ҳар бир инсон муқаддас билмоғи керак, деб тушунаман. Негаки, ҳавас инсонни покликка, имони бутунликка, яхшиликка ва ёмонликдан тийилишга чорлайди. Дунёда ҳавас нималигини билмай яшаётган одамларга айтадиган гапим йўқ, лекин уларнинг юрагида бу туйғунинг барибир уйғонишига ишонаман.

Ҳавас ҳақида ёзар эканман, иккинчи мавзуга қўл ургим келмай туради. Тилимдан тушмай турган ҳавасни ҳасадга алмаштиргим келмайди. Начора... Бу ҳаётнинг бари оқликдан иборат эмас, унинг қора томонлари ҳам бор. Улар ичида инсон бошига катта-кичик кулфатлар солган, дил ярасига айланган ва оёқдан бир неча бор чалган ҳасад, манман, деб турибди.

Ҳасад... Қаранг, ҳасад ҳам, ҳавас ҳам юракда яшайди, худди эгизакларга ўхшаб. Тил уларга воситачи эмас, уларни бошлаб юрадиган ақл! Ҳасадни ақлсиз одам қилади, деб ўзимизни ишонтиришимиз мумкин, лекин ҳасадгўй ақл билан иш юритади. У оқибатини ҳам билади, зарбасининг кучини ҳам сезади.

... Ғайрат Мажидович деган бир раҳбар бўларди. Халқ ўртасида катта обрў-эътиборга сазовор эди. Унга ҳавас қиладиганлар кўп эди, ҳасад қиладиганлар ҳам топиларди. Афсуски, мингта ҳавас қиладиганлардан битта ҳасадгўй устунман, деб унинг асабларини тор қилиб чертди. Энг қизиғи ҳасадгўйнинг ёзди-ёздисидан қутилайлик, деб унинг тарафдорлари ҳам кўпайди. Ўша ҳасадгўй деса, баъзиларнинг оёғи қалтирайдиган, юзига тик қарай олмайдиган ҳам бўлиб қолди. Бу ҳасаднинг кучи нақадар даҳшатли эканидан дарак берадими? У инсонларнинг имони бутунлигини синаб кўрадиган ўткинчи бир туйғу эди. Ғайрат Мажидович қаддини тик тутди, ҳасадга тиз чўкмади. Одамларнинг эса унга ҳаваси яна юз бора, минг бора ошиб кетди.

Ҳасад доимо ҳаваснинг соясида яшайди, унинг ёруғлик кўриши қийин. Лекин у қўл қовуштириб юришни ёқтирмайди, тез-тез ҳужум қилиб туришни одат қилган.

Мен бир ҳасадгўйни танирдим. У ҳамманинг устидан ёзарди, пайт пойлаб йиғилишларда кимнингдир иғвосини қиларди. Бир куни унга:

— Қачон шу ҳасадни йўқотасиз, нима етмайди сизга? — деб савол бердим.

— Мен ҳеч кимга ҳасад қилганим йўқ. Фақат камчиликларини кўрсатаман, — деди у бамайлихотир. Билдимки, у ҳасадгўй эмасман, демоқчи.

— Бировни кўролмаслик, бу — ҳасад ўтининг юрагингизни безовта қилиши, ака, — дедим.

— Ҳасад қилсам бировларнинг фойдасига қилаяпман. Ўша одам яхши йўлга қайтсин, дейман, — деб у гапини бермасди.

— Ёлғонларни ёзиб, бировларнинг асабини қақшатиб, уни яхши йўлга қайтараман, деганингизнинг ўзи ҳасадгўйлик, — дедим мен ҳам қизишиб.

Ўртамиздаги баҳс тугамади. Тавба деб айтайин-у, шу одам оламдан ўтганида тобути кўтарилмай, анча туриб қолди. Ундан жабр тортганлар ичида нафақат бегона, балки, маҳалла аҳли ҳам, қўни-қўшни ҳам бор эди. Қабристондаги «у қандай одам эди?» деган одатий савол ҳам жавобсиз қолди...

Тўғри, боболаримиз «сизга душманлик қилганни юрагингиздан чиқаринг, йўқса бу билан сиз унга эмас, ўзингизга кўпроқ зарар етказасиз» дейишган. Шу маънода ҳасад ҳамиша мағлубдир. Ҳавас ҳамиша ғолибдир!

Ҳавас қилган одамнинг тушлари
орзу-ҳаваслларга тўла бўлади.
Ҳасад қилган одамнинг уйқуси
доимо безовта бўлади.
Ҳавас қилган одамга ҳамма эргашади.
Ҳасад қилган одамдан ҳамма қочади.
Ҳавас гулга ўхшайди, ҳасад тиканга!

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

Кўрик-танлов

ҚИЗЛАРИМИЗ БЕЛЛАШГАНДА

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

Ўртачирчиқ туман «Қайтмас» ширкат хўжалигида жойлашган 5-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган «Миллий либос, миллий калом, миллий таом» кўрик-танлови туманнинг барча ҳудудларидаги танловларнинг якуний босқичи сифатида республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда уюштирилди.

Танловда қизлар тўртта шарт асосида ўзаро беллашдилар. Биринчиси — саломлашиш шарти миллий анъаналардан четга чиқмаган ҳолда келинсалом тарзида амалга оширилди. Иккинчи шартда қизларга тарихий мавзуда саволлар берилди. Саҳна кўриниши шартида қизлар баъзи-бир аёлларимизнинг ўз оиласига масъулиятсизлик билан қарашлари, ОИТС касаллигини орттириш ва унинг олдини олиш каби мавзуларда чиқишлар қилдилар. Шунингдек, иштирокчилар турли хил миллий таомларимиз тарихи ва уларнинг тайёрланиши ҳақида тўлиқ маълумотлар бериб, халқ қўшиқлари учун махсус тикилган либосларда рақслар ижро этдилар.

Тадбир сўнгида фахрли биринчи ўринни олган 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилафрўз Абдусамадова ҳамда бошқа қатнашчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Мўмин ИБОДОВ.

Футбол

«Пахтакор» ва «Навбаҳор» жамоаларининг Наманганда бўлиб ўтган дастлабки ярим финал учрашувида 4:4 ҳисоби қайд этилган эди. Жавоб учрашуви кутилмаганда Гочкули Гочкулиевнинг автоголи билан бошланди.

БИЛЛУР СОВРИН ДАЪВОГАРЛАРИ МАЪЛУМ

«Навбаҳор» жамоасининг дастлабки ҳужумларидан бирида у тўпни дарвозабон Игорь Нестеровга узатишда хатога йўл қўйиб, меҳмонлар олдинга чиқиб олишганди. Пахтакорчилар ўтказиб юборилган тўпдан сўнг ҳужумкор ўйин намойиш этдилар. 22-дақиқада Темур Копадзе жавоб тўпини киритиб, ҳисобни тенглаштирди. 29-дақиқада Ринат Байрамов, бўлимнинг сўнгги дақиқаларида Анвар Солиев «Навбаҳор» дарвозасига биттадан тўп киритиб, ҳисобни 3:1 га етказишди. Ҳар икки жамоанинг очиқ футбол намойиш қилишига қарамай, 3:1 ҳисоби сақланиб қолди.

Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси финалда «Пахтакор» билан баҳс юритади.

Финал учрашуви 26 ноябрь — шанба куни «Пахтакор» марказий ўйингоҳида ўтказилади.

Талъат ЮСУПОВ.

Сарчашма

ТЎЙТЕПАЛИК КУЛОЛ

Тўйтепада тасвирий санъат асарлари яратадиган ноёб истеъдод эгаси, талантли мусаввир йигит яшайди. Унинг исму шарифи — Муроджон Бахромов.

Муроджон 1996 йили Тошкентдаги Беньков номидаги республика рассомлик билим юртининг «Шиша безаги» бўлимига ўқишга кирди. У ўқиб юрган кезларидаёқ — 1997 йилда Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси томонидан ўтказилган кўрик-танловда иштирок этиб, ғолиб бўлди ва Амир Темур стипендиясини қўлга киритди. Орадан икки йил ўтгач эса республика рассомлик коллежи иқтидорли талабалари орасида ўтказилган кўрик-танлов ғолиби бўлди.

2001 йил М. Баҳромов истеъдод бобида яна бир чўққига кўтарилди: у республика ёш рассомлар танловида қатнашиб, мутлақ ғолиблик мартабасига эришди. Шу йили Муроджоннинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди, у Камолиддин Беҳзод номидаги Ўзбекистон Миллий рассомлик ва дизайн институти амалий санъат факультетининг «Бадиий кулолчилик мутахассиси» бўлимига имтиёзли қабул қилинди.

Кулолчилик — Муроджон учун тасодифий ҳол эмас. Рассомлик борасида улкан қобилиятни ўзида мужассам этган бу йигитнинг эришган ютуғи шундаки, рассомлик истеъдоди унга кулолчилик борасида фақат ноёб талант соҳибларига насиб этадиган фавқулодда ижод намуналарини яратиш имконини берди. У гилдан ясаган Ҳумо қуши тасвири сингари ноёб намуналар санъат асари даражасига етган.

2005 йил ҳам Муроджон Баҳромов учун омадли бўлди. Йил бошида Муроджон республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубиёт Маркази томонидан ташкил этилган халқ амалий санъат усталари ва ёш ҳунармандлар республика кўргазмасида иштирок этиб, кўргазманинг дипломи билан тақдирланди. Муроджоннинг кўргазмага қўйилган кулолчилик асарлари республикамиз ва чет эллик мухлислар томонидан юқори баҳоланди. Унинг айрим нусхаларини чет эллик меҳмонлар ноёб эсдалик сифатида сотиб олишди. Ёзда эса Муроджон Баҳромов Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг «Амалий санъат» йўналиши бўйича бакалавр даражасига эришиб, дипломли бўлди.



Ҳозирги кунда Муроджоннинг Тўйтепа шаҳри «Бахт» кўчасидаги уйида талайгина рассомлик, кулолчилик ва ойналарга чизилган гравюра асарлари йиғилиб қолган. Ишончимиз комилки, бу асарлар ҳали кўплаб халқаро кўргазмаларни безайди ва улар тўйтепалик истеъдодли ўғлонга довруқ ва шон-шуҳратлар келтиради.

Маъмур БОЗОР АЛИ.

СУРАТДА: *мусаввир М. Баҳромов иш устида.*

Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!
Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти филиали

Сизларни ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлимларида ўтказиладиган марказлаштирилган биржа савдоларига таклиф этади!

2005 йил 23 ноябрдан савдоларга Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми буйича қуйидаги объектлар қўйилмоқда:

Т.р.	Объект номи, балансда ушлаб турувчи	Манзили	Бошлангич баҳоси	Валюта тури
1.	«Қибрай босмахонаси» МЧЖнинг 26 % давлат улуши	Қибрай тумани	15 215 120	сўм
2.	Қуйичирчиқ т. Марказий шифохонасига қарашли «Янги ҳаёт» қишлоқ врачлик пунктининг ҳозирги кунда фойдаланишда бўлмаган собиқ алоҳида турган бинолари	Қуйичирчиқ тумани	34 289 430	сўм
3.	«6-сонли КМК»га қарашли умумий майдоннинг 35,28,27,25,23,5 ва 35 нуқталарни бирлаштирувчи чизиқлар орқали белгиланган майдондаги мулклар	Зангиота тумани, Чиғатой-Оқтепа ҳудуди	18 849 350	сўм
4.	Бекобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Семург» болалар боғчаси	Бекобод тумани, Авангард фермер уюшмаси, Охунбоев қишлоғи	15 079 390	сўм
5.	Пскент тумани халқ таълими бўлимига қарашли 8-сон болалар боғчаси.	Пскент тумани, Мингўрик даҳаси	11 921 600	сўм
6.	Ангрен шаҳар ҳокимиятига тегишли қурилиши тугалланмаган бино	Ангрен шаҳар, Навоий кўчаси	19 095 680	сўм
7.	«Ш.Рашидов номли паррандачилик» ОАЖга қарашли «Ёзги кинотеатр» (ер майдони кирмайди)	Қибрай тумани	1 647 410	сўм
8.	Чирчиқ шаҳар ҳокимиятига қарашли умумий майдони 1230,95 кв.м. бўлган ҳаммом биноси ва иншоотлари	Чирчиқ шаҳар, Усмон Юсупов кўчаси, 5-уй	17 322 600	сўм
9.	Чирчиқ шаҳар ҳокимиятига қарашли умумий майдони 334 кв.м. бўлган нотураржой биноси	Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 11-уй	5 403 800	сўм

Имкониятингизни бой берманг!

Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти филиали ва Давлат мулки Қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси агенти — Давинком ДИФ Тошкент вилояти филиалига мурожаат қилишингиз мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Мурожаат учун телефонлар: Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти филиали: 133-28-52, 133-49-31, 133-77-18, факс: 133-43-73, Давинком ДИФ Тошкент вилояти филиали 132-06-76. факс: 133-67-22.

Шунингдек, 2005 йил 6 ноябрь куни биржа савдосида сотилган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Эски Қовунчи қишлоғида жойлашган, «Yangiyo'l G'isht» давлат унитар корхонаси бўйича савдо натижаси бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги «2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-215-сонли қарорига асосан ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг 2005 йил 11 ноябрдаги 187-сонли қарорига асосан бошқа ширкатлар қаторида Бўка тумани «Жамбул» ширкат хўжалиги ҳам фермер хўжалигига

АЙЛАНТИРИЛМОҚДА.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.

Янгийўл туманидаги «Тинчлик» ширкат хўжалиги

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 3-21-69 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2004 йилда Санақулов Ориф Ёркулович номига берилган 04р037 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ангрен политехника касб-ҳунар коллежи жамоаси коллеж директори Зойирхон Рашидовга падари бузруквори

Муқаддасхон РАШИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-142. Адади 2678. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 2 3 4 5 6